

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК М.МИРЗАЕВ НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК,
УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ГАНИЕВ ШАХЗОД АБДУЛЛА ЎҒЛИ

**АНЖИР (*Ficus carica* L.) НАВЛАРИНИНГ АГРОБИОЛОГИК,
ТЕХНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҚУРИТИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.11 – Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Ганиев Шахзод Абдулла ўғли

Анжир (*Ficus carica* L.) навларининг агробиологик, технологик хусусиятларини баҳолаш ва қуритиш технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

Ганиев Шахзод Абдулла угли

Оценка агробиологических, технологических свойств сортов инжира (*Ficus carica* L.) и разработка технологии сушки..... 19

Ganiev Shakhzod Abdulla ugli

Evaluation of agrobiological, technological properties of fig varieties (*Ficus carica* L.) and development of drying technology..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/29.04.2022.Qx. 13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК М.МИРЗАЕВ НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК,
УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ГАНИЕВ ШАХЗОД АБДУЛЛА ЎҒЛИ

**АНЖИР (*Ficus carica* L.) НАВЛАРИНИНГ АГРОБИОЛОГИК,
ТЕХНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҚУРИТИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.11 – Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида В2024.4.PhD/Qx1558-рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Одинаев Мирзамад Исаевич,
қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори,
доцент

Расмий оппонентлар:

Искандаров Зафар Самандарович,
техника фанлари доктори, профессор

Умидов Шавкат Эргашевич,
қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори,
доцент

Етакчи ташкилот:

**Самарқанд агроинновациялар ва
тадқиқотлар институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил 6 январь соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.:(+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№555454-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот ресурс маркази биноси. Тел.:(+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2025 йил 25 декабрь кuni тарқатилди.

(2025 йил 28 ноябрдаги 58-рақамли реестр баённомаси).



Ш.И. Асатов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

М.З. Холмуротов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.х.ф.ф.д.,
доцент

С.А. Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к.х.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Субтропик мевалар орасида анжир ўзининг юқори сифатли озиқавийлиги билан ажралиб турадиган маҳсулот бериши билан бир қаторда, ундан мазали ва дориворлик хусусияти бўлган қуритилган мевалари ҳам тайёрланади. “Анжир дунё бўйича жами 296,7 минг гектар майдонда етиштирилиб, ялпи ҳосил 1,24 млн тоннани ташкил қилган”¹. Жаҳонда анжир етиштирадиган 52 та мамлакат бўлиб, шулардан “Туркия (350,0 минг т), Миср (187,9 минг т), Жазоир (112,3 минг т), Марокаш (109,6 минг т), Эрон (67,9 минг т) мамлакатлари етакчи ҳисобланади. Анжир меваларидан тайёрланган қуритилган анжир маҳсулотлари бўйича 2022/2023 йилда жами 134 минг т тайёрланган бўлса, Туркия (73 минг т), Эрон (20 минг т) ва бошқа мамлакатларида тайёрланмоқда”². Анжирнинг янги узилган меваларини реализациясини чекланганлиги, ҳўл меваларни узоқ муддат сақланмаслиги сабабли қуритиш технологиялари ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда анжир мевалари юқори қиймат қўшилган маҳсулотлар сирасига киради. Шу боисдан ривожланган мамлакатларда унинг қуритилган меваларини тайёрлаш ва келгуси йилдаги анжир мевалари ҳосили пишгунича ўз сифатини йўқотмаган ҳолда сақлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Туркия, Миср, Жазоир, Эрон, Покистон ва Саудия Арабистони каби давлатларда анжир меваларини қуритишнинг илғор технологиялари ишлаб чиқилган. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сунъий усулда қуритилган анжир мевалари юқори баҳоланади ҳамда халқаро озиқ-овқат хавфсизлиги талабларига тўлиқ жавоб беради. Бу борада анжир меваларини қуритишга тайёрлаш, меваларни турли усулларда қуритиш ва сифатли маҳсулот олишнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда анжир навларини етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш, янги навларини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилиб, маълум натижаларга эришилган. Ушбу навларни экспорт имкониятларини ошириш мақсадида қуритиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар етарли эмас. Ўзбекистон Республикасининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да “2026 йилга бориб, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини 7,4 млн тоннага, қайта ишлаш даражасини мева-сабзавот бўйича – 28 фоизга етказиш” мақсад қилинган. Ушбу мақсадга етишда қуритилган мева маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши, айниқса анжир меваларига бўлган талабнинг юқорилиги сабаб, Республикамиздаги асосий анжирзорларда қуритишга мойил навларнинг меваларини қуритиш технологияларини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида” ги фармони, 2024 йил 5 мартдаги ПҚ-115-сон “Аҳоли хонадонларида саноат усулида маҳсулот ишлаб

¹<https://businessstat.ru>

²<https://lex.uz>

чиқаришни кўллаб-қувватлаш ҳамда томорқа ва деҳқон хўжаликларида янги захираларни ишга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ги ва 2024 йил 1 апрелдаги ПҚ-146-сон “Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини етиштирувчи, ишлаб чиқарувчи ва уларни экспорт қилувчи тадбиркорлар билан ўтказилган мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари ва бошқа мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларидаги вазифаларни илмий жиҳатдан амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқотлар республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё бўйича анжир дарахтларини биологик хусусиятларини комплекс ўрганиш, навларини тадқиқ қилиш, турли тупроқ-иклим шароитларида етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда етиштирилган анжир меваларидан сифатли ва шифобахш қуритилган меваларни тайёрлашнинг илмий асослари ёритилган. Хорижда анжир бўйича асосан, Ўрта Ер денгизи ҳудудида жойлашган мамлакатлар илмий-тадқиқот муассасалари, университетлари ҳамда тадқиқотчи-олимлари бевосита чуқур ва таҳлилий асосда шуғулланиб келишади. Жумладан, Islam A., Aygün A., Bostan S.Z. (1997), Khadari B. (2005), Aljane F. (2009), Barolo M.I., Mostacero N.R., López S.N. (2014), Aksoy U. (2015), Acarsoy Bilgin N. (2020), Ammar A. (2020), Caliskan O., Bayazit S., Kilic D. (2023) анжир биологияси, ўсимликларни ўсиши ва ривожланишига бағишланган тадқиқотлар билан шуғулланишган бўлса, El-Sebaii A.A. (2002), Doymaz İ. (2004), Piga A. (2004), Sharifian F., Motlagh A.M., Nikbakht A.M. (2012), Martínez-García J.J. (2013), Abul-Fadl M.M. (2015), Chang S.K., Alasalvar C., Shahidi F. (2016), Villalobos M.C. (2016), Palassarou M. (2017), Palmeira L. (2019), Turco V.L. (2020), Andreou V. (2021), Nawaz A. (2023) анжир меваларини турли хил усул ва шароитларда қуритишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб боришган. МДХ мамлакатлари доирасида анжирни парваришлаш, уларнинг навларига ҳар хил иқлим шароитларида баҳо бериш, меваларини турли усулларда қуритишга оид қатор ишлар эълон қилинган. Буларга Широков Е.П., Полегаев В.И. (2000), Попов А.М., Белокуров А.Г., Коновалова О.В. (2004), Портнов В.В. (2012), Рахматов О. (2016), Ушакова А.С. (2017), Мачнева И.А., Дрофичева Н.В., Причко Т.Г. (2021), Гогишвили Н.Д. (2021) ишларини намуна сифатида келтириш мумкин.

Республикаимиз шароитида анжир ўсимлигини комплекс ўрганиш билан бир неча олимлар шуғулланиб, анжирни етиштириш, навларини жойлаштириш, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш ҳамда анжир меваларини анъанавий усулда қуритиш бўйича тадқиқотлар жой олган. Буларни жумласига, Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик

ва виночилик илмий-тадқиқот институти илмий-тажриба станцияларида фаолият юритган олимлар А.С. Мисина (1980) ва Х.Л. Аминов (1961) тадқиқотларини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз даркор.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида №ПЗ-2020082831 “Ноанъанавий хомашё ва сабзавотлардан цукат тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги ёшлар амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2021-2023 йиллар).

Тадқиқотнинг мақсади анжир навларининг агробиологик, технологик хусусиятларини тадқиқ қилиш ҳамда муқобил қуритиш усуллари ва технологияларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

анжир навларининг асосий фенологик фазаларини ўтиши, навларнинг ҳосилдорлиги, меваларни пишиш даврида механик, кимёвий таркиби ва технологик кўрсаткичларини ўзгаришини аниқлаш;

анжир меваларини очиқ майдонда ҳамда усти ёпиқ иншоот остида қуритишда қуритилган маҳсулотнинг чиқими, анжир меваларини қуритишдан аввалги ишлов бериш тизимини такомиллаштириш, меваларнинг биометрик кўрсаткичлари, уларнинг кимёвий таркибини ўзгариши ҳамда органолептик хусусиятларнинг фарқланишини аниқлаш;

инфрақизил нурланишли ва конвектив қуритгичларда анжир меваларини қуритишда қуритилган маҳсулот чиқими, меваларнинг биометрик кўрсаткичлари, уларнинг кимёвий таркибини ўзгариши ҳамда органолептик хусусиятларнинг фарқланишини аниқлаш;

анжир меваларини қуритишнинг иқтисодий самарадорлиги ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда тарқалган анжирнинг Узбекский желтый (назорат), Қрим 9, Қрим 29, Қрим 43, Каршинский чёрный ҳамда Далматский навлари, полиэтилен плёнка билан қопланган усти ёпиқ иншоот, сунъий қуритиш тизимида ишловчи инфрақизил нурланишли ва конвектив қуритгичлар хизмат қилади.

Тадқиқотнинг предмети анжир асосий фенологик фазаларни ўтиши, меваларининг механик ва технологик хусусиятлари, анжир меваларини турли усулларда қуритиш, кимёвий таркиби, органолептик кўрсаткичлари, қуритишдан аввалги ишлов бериш.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала тажрибалари «Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси» (2014), Давлат нав синаш комиссиясининг «Субтропик, ёнғоқмевали ва чой экинларининг Давлат нав синови услуги» (1962), «Қишлоқ хўжалиги экинлари давлат нав синаш услуги, мевали, резавор, субтропик, цитрус, ёнғоқмевали экинлар, узум ва чой» (1970) услуги бўйича, меваларни қуритиш бўйича тадқиқотлар «Юқори намликдаги озиқ-овқат маҳсулотларини иссиқлик жараёнларини бошқариш орқали қуритишнинг илмий асослари»

(2005) номли услубий адабиётларида келтирилган услублар асосида, органолептик таҳлил томонидан мева-сабзавотлар сифатини баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган услублардан (2000) фойдаланган ҳолда ўтказилган, тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили Microsoft Excel компьютер дастурида, 95% ишончлилик оралиғи билан Б.А. Доспехов (1985) услуби бўйича ҳисоб-китоб қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор анжирнинг эртапишар Қрим 9 нави (назорат навга нисбатан 7 кун), серҳосил Каршинский черний нави (58,9 кг/туп) ҳамда меваларининг технологик кўрсаткичлари бўйича пўстини қаттиқлиги Далматский навида 5,2 кг/см² эканлиги аниқланган;

анжир меваларини очиқ майдонда қуритишда энг яхши юқори чиқим Қрим 43 навида 25,9%ни, усти ёпиқ иншоот остида қуритишда эса Далматский навида 28,5% ни ташкил этиб, қуритилган меваларнинг кимёвий таркибидаги қуруқ модда миқдори бўйича энг юқори Далматский навида 86,06%, умумий қанд миқдори бўйича Қрим 43 навида 76,96% ҳамда усти ёпиқ иншоот остида қуритилганда эса мос равишда, 84,82%, 77,02% юқорилиги исботланган;

анжир меваларини қуритишдан аввал ош тузининг 2%, каустик соданинг 0,5% ли эритмасида ишлов бериш ва олтингугуртнинг 100-150 г/м³ концентрацияда дудлаш самарали эканлиги аниқланган;

анжир меваларини инфрақизил нурланишли ва конвектив қуритгичларда қуритишда маҳсулот чиқими юқори бўлган Далматский навида мос равишда 29,1% ва 29,7%, қуруқ модда миқдори бўйича Далматский нави 86,39% ва 84,51%, умумий қанд миқдори бўйича Қрим 43 навида 77,06% ва 76,96% ҳамда органолептик баҳоси Каршинский черний навида мос равишда, 4,5 балл ва 4,6 баллни ташкил этиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

анжирнинг қуритишга мойил навларини республикамизнинг жанубий ва марказий минтақаларида тадқиқ этиш, барча асосий фенологик фазаларнинг ўтишига бевосита таъсир ўтказиб, 9-12 кунгача фарқланиши аниқланган;

эртапишар Қрим 9 нави – 29-июлда (Сурхондарё вил.) ва 10-августда (Тошкент вил.), кечпишар Қрим 43 нави – 8-августда (Сурхондарё вил.) ва 20-августда (Тошкент вил.) меваларни етилиши аниқланган;

анжир навларини ҳосилдорлиги таҳлил қилинганда, энг юқори ҳосилдорлик билан Каршинский черний (58,9 кг/туп – Сурхондарё вил. ва 53,4 кг/туп – Тошкент вил.), Узбекский желтий (37,75 кг/туп – Сурхондарё вил. ва 33,4 кг/туп – Тошкент вил.) навлари ажратиб олинган;

анжирнинг қуритишга мойил навларининг механик хусусиятларидан мевалар бўйи бўйича юқори кўрсаткич Далматский навида 50,6 мм, мевалар эни бўйича Узбекский желтий навида 49,6 мм, мевалар ўртача вазни бўйича Далматский навида 34,2 мм бўлиши аниқланган;

анжир меваларининг кимёвий таркиби таҳлил қилинганда, мевалардаги қуруқ модданинг юқорилиги 16,63–23,68 фоиз оралиғида бўлиб, умумий қанд миқдори ўртача 22,69%, умумий кислоталик миқдори ўртача – 0,17%ни ташкил

қилиши, қанд-кислота индекси юқори навлар: Узбекский желтий – 172,98 ва Далматский – 171,11 эканлиги аниқланган;

анжирнинг технологик кўрсаткичлари уч қисмдан иборатлиги аниқланиб, ғўра пишиш даври – 14,3 кун, ғўра вазни ва ўлчамининг минимал бўлиши, мева пўстининг эса юқори даражада қаттиқ бўлиши билан фарқланди, мевалар пишишини бошланиши даврида эса давомийлиги ўртача 8,0 кун давом этиб, мева ўлчамлари ўртача ҳамда пўсти қаттиқлиги икки карра камайганлиги аниқланган;

анжир меваларини қуритишнинг иқтисодий самарадорлиги юқори бўлиб, очик майдонда қуритилганда рентабеллик 11,4-27,2%, усти ёпиқ иншоот остида қуритилганда – 22,5-38,9%, инфрақизил нурланишли қуритгичда – 33,1-52,6% ва конвектив қуритгичда – 35,7-57,4% бўлиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Илмий ишлар институтда ташкил қилинган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, олинган маълумотларни ҳисоб-китоб қилишда математик статистика услубларидан фойдаланилганлиги, аниқланган назарий натижаларнинг тажриба кўрсаткичларига мос келиши, тўпланган хулосаларнинг илмий асосланганлиги, илмий-тадқиқотни халқаро ва маҳаллий олимларнинг тажриба натижалари билан таққосланганлиги, тажриба натижаларининг хорижий ва республика илмий журналларида чоп этилгани, эришилган самарали натижаларни ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, анжирнинг қуритишбоп навларини фенологик фазаларини ўтишини ўрганиш, уларни ҳосилдорлиги, меваларининг механик хусусиятлари, кимёвий таркиби, шунингдек, қуритилган анжирнинг қуритиш усулларига боғлиқ ҳолда қуритилган маҳсулот чиқими, меваларнинг механик ва кимёвий таркибининг ўзгарганлиги илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, анжирнинг хўл мевалари миқдори бўйича Далматский навида 1000 кг хўл мева, Узбекский желтий навида 800 кг, Каршинский черний 1000 кг, Қрим 43 800 кг мевалар олинди, шунингдек, ушбу навлардан уч хил усулда қуритилган анжир маҳсулотлари олинганлиги билан ишлаб чиқаришга (умумий 3 гектар майдонга) жорий этилганлиги баҳоланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Анжир навларининг агробиологик, технологик хусусиятларини баҳолаш ва қуритиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

Фарғона вилояти Кува туманидаги “Набижонхожи ота барака” фермер хўжалигида, Тошкент вилоятининг Бекобод туманидаги “Камолбой” фермер хўжалигида, анжирнинг танлаб олинган Далматский навидан 0,9 гектар, Узбекский желтий (сарик анжир) навидан 0,7 гектар, Каршинский чёрний (қора анжир) навидан 0,7 гектар, Қримский 43 навидан 0,7 гектар, жами 3,0 гектар майдонга экилиб, амалиётга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалигида билим ва

инновациялар миллий марказининг 2025 йил 2 июндаги 05/06-03-235-сон маълумотномаси). Натижада 2024 йилда жами 3,2 тонна юқори сифатли анжир мева бериб, маҳсулотдан 20-25% юқори даромад олишга эришилган;

анжир навларининг очиқ майдонда қуритиш технологияси такомиллаштирилиб, конвектив қуритгичда ва инфрақизил нурланишли қуритгичда қуритиш технологияси Фарғона вилояти Кува туманидаги “Дамариқ саховати” корхонасида 1,2 тонна, Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги “EKSPORT AGRO PRODUCTS” МЧЖ корхонасида 1,3 тонна, шунингдек, Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги “Исковот шифо маскани” корхонасида 1,1 тонна анжир меваларини қуритишда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025-йил 2-июндаги 05/06-03-235-сон маълумотномаси). Натижада, рентабеллик даражаси 61,4%-66,9% ни ташкил қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва лаборатория шароитларида ўтказилган тажрибалар Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти томонидан тузилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар институтнинг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та, шу жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда жами 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган. Халқаро конференцияларда 3 та, республика конференцияларда 2 та тезислар ҳамда 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзу ва олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ҳамда муҳимлиги илмий асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари баён этилган, Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологияси ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги ифодаланган, хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Анжирнинг қуритишбоп навларининг агробиологик, технологик хусусиятлари, қуритиш технологиясининг назарий ва амалий асослари (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи

бобида анжирнинг агробиологик хусусиятлари, уни дунё бўйича тарқалиш ареаллари, республикамизда тарқалган навлари, ўсиш шароитлари уни сақлаш ва қуритиш бўйича хориж ва маҳаллий адабиётлар маълумотлари таҳлил қилинган. Илмий манбалар маълумотлари анжирнинг меваларини сақлаш ва қуритиш технологиялари юзасидан адабиётлар маълумотлари келтириб ўтилган.

Диссертациянинг “Тадқиқотни ўтказиш шароити ва услуби” деб номланган иккинчи бобининг биринчи бўлими тадқиқотлар ўтказилган хуудларнинг жойлашган ўрни ва иқлим шароитлари тавсифи деб номланиб, тажрибалар олиб борилган жойнинг тупроқ иқлим шароитлари, тавсифлари, ўтказиш шароитлари, объекти ва услублари келтирилган. Ушбу бобнинг “Тадқиқот объекти ва услублари” бўлимида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан ҳар бир алоҳида тажрибанинг ўтказилиш услублари, дала тажрибалари ва лаборатория таҳлилларини олиб бориш усуллари, тажрибаларда қўлланилган кузатувлар ва ҳисоблар, лаборатория таҳлиллари, шунингдек, тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

1-жадвал

Анжир навларининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари

Навлар номи	Бир тупдан ҳамда бир гектардан олинган мева ҳосили							
	2022 й.		2023 й.		2024 й.		ўртача	
	кг/туп	ц/га	кг/туп	ц/га	кг/туп	ц/га	кг/туп	ц/га
Узбекский желтий (назорат)	36,7	183,5	43,7	218,5	32,7	163,5	37,75	188,8
Қрим 9	6,5	32,5	7,5	37,5	6,7	33,5	6,9	34,5
Қрим 29	12	60,0	14	70,0	13	65,0	13	65,0
Қрим 43	10,2	51,0	15	75,0	10	50,0	11,7	58,5
Каршинский чёрний	56,5	282,5	65	325,0	55,2	276,0	58,9	294,5
Далматский	22,2	111,0	20,7	103,5	23,7	118,5	22,3	111,5
Ўртача	24	120,0	27,7	138,5	23,6	118,0	25,1	125,5
ЭКФ05	13,5		15,9		11,7		11,9	
V%	60,9		71,5		55,0		54,5	


Диссертациянинг “Анжирнинг қуритишбоп навларини агробиологик ва технологик баҳолаш” деб номланган учинчи бобининг 1-бўлими “Анжир навларининг агробиологик хусусиятларини тадқиқ қилиш” деб номланиб, ушбу бўлимда анжир навлари меваларининг ҳосилдорлиги Сурхондарё ИТС бўйича ўртача уч йиллик ҳосилдорлик 25,1 кг/туп ни ташкил қилган бўлиб, навлар ва йиллар кесимида ўзгаришлар яққол кўринади. Тадқиқотнинг биринчи йили – 2022 йилда бир тупдан олинган энг юқори ҳосилдорлик Каршинский чёрний навида кузатилган ҳамда 56,5 кг/туп, энг паст

ҳосилдорлик эса Қрим 9 навида 6,5 кг/туп бўлган, шу билан бирга ўртача навлар орасида ҳосилдорлик 24,0 кг/туп га етган. Иккинчи йилда (2023 йил) юқори ҳосилдорлик Каршинский чёрний навида 65,0 кг/туп, энг қуйи ҳосилдорлик Қрим 9 навида 7,5 кг/туп, навлар орасидаги ўртача ҳосилдорлик 27,7 кг/туп га етган (1-жадвал).

Анжир навлари республикамизнинг марказий ва жанубий минтақаларида турли муддатларда вегетацияни бошлайди, гуллайди ва мева ҳосили беради. Бунга сабаб, фаол ва самарали ҳароратлар йиғиндиси бўлиб, уларни жанубий вилоятларда тез тўпланиши, табиийки эртароқ фенологик фазаларни бошланишига олиб келади.

Анжир меваларини ҳосилдорлигини ўрганиш, анжирнинг туп ҳисобига ҳосилдорлиги асосан Сурхондарё вилоятида юқорироқ бўлиб, навлар орасида эса Узбекский желтий ва Далматский навлари нисбатан ажралиб чиқди.

Диссертациянинг 3-боб, 2-бўлими “Анжир навларининг механик хусусиятлари ва кимёвий таркиби таҳлили” деб номланган бўлиб, анжир меваларининг механик хусусиятлари кўриб чиқилган. Анжир меваларини қуритишда мева бўйи, эни ва вазнини ўзгариши кузатилди. Навлар орасида ҳам бундай кўрсаткичлар фарқланиб, уларни бу параметрлари назорат навга нисбатан меванинг бўйи асосида фарқлар турлича бўлган бўлса, мева эни бўйича барча ўрганилган навлар назорат навлардан кам бўлган. Шу каби меванинг вазни бўйича фарқланиш ҳам турлича бўлган.



1-расм. Анжир меваларининг механик таркиби кўрсаткичлари

Анжир меваларини механик таркибини ўрганиш шунини кўрсатдики, анжир меваларининг бўйи ўртача 35,7 мм бўлиб, 29,5 (Каршинский чёрний нави) мм дан 50,6 (Далматский нави) мм гача оралиқда бўлган. Назорат нави Узбекский

желтий навига нисбатан фақатгина Каршинский чёрний нави мевалари майдароқ бўлганлигини кўришимиз мумкин (1-расм).

Бундан ташқари, мева эни бўйича ўлчовларни амалга ошириш мобайнида, ўртача 40,6 мм бўлиб, анжир навлари орасидаги фарқ сезиларли назорат вариантыдан паст бўлган. Шундай бўлса-да, мева эни кўрсаткичлари 37,7 мм дан 49,6 мм оралиғида бўлган. Бу билан навлар орасидаги фарқ, шунинг учун ҳам катта даражада сезиларли эмас. Мева бўйи ва энини ўзаро нисбатини кўриб чиқадиган бўлсак, икки навнинг ўлчамлар нисбати бирдан юқори бўлиб (Қрим 43 ва Далматский навлари), булар деярли юмалоқ-чўзиқ шаклли мевалар ҳисобланади. Қолган Узбекский желтий, Қрим 9, Қрим 29 ва Каршинский чёрний навлари мевалари шаклига кўра кулча шаклли ёки ясси-юмалоқ шаклда бўлган.

Диссертациянинг 3-боб 3-бўлими “Анжирни қуритишбоп навлари меваларининг технологик кўрсаткичлари таҳлили” деб номланиб, анжир меваларининг технологик кўрсаткичлари қуритиш учун мойилликни белгилаб берувчи асосий омиллар кенг ёритилган. Тадқиқотда анжирнинг учта пишиш муддати белгиланди. Унга кўра, ҳар бир фаза ўзининг механик хусусиятлари, кимёвий таркиби ва меваларидаги ташқи ўзгаришлар билан боғланганлигини кўриш мумкин.

Диссертациянинг “**Анжир меваларини қуритишнинг самарали усуллари**ни ишлаб чиқиш” деб номланган 4 бобнинг “Анжирнинг қуритишбоп навлари меваларига ишлов бериш ва усти ёпиқ қурилмаларда қуритиш усулларини ишлаб чиқиш” деб номланган 1 бўлимида анжир меваларини анъанавий ва усти ёпиқ қурилмаларда қуритишда амалга ошириладиган ишлар, шунингдек, қуритишдан аввалга ишлов бериш усуллари сифатли қуритилган мева олиш учун муҳим асос бўла олади.

Очиқ майдонда ва усти ёпиқ иншоот остида анжир меваларини қуритишда уларнинг қуритилган маҳсулот чиқими, меваларининг кимёвий таркиби, қуритишдан аввалга ишлов беришнинг аҳамияти, меваларнинг механик кўрсаткичларининг ўзгариши, қуритилган меваларнинг органолептик кўрсаткичлари баҳоси каби омиллар кўриб чиқилди. Шу билан бирга усти ёпиқ иншоот остида анжир меваларини қуритишнинг технологияси ишлаб чиқилди, шунингдек, қуритилган анжир тайёрлаш картаси тузилди.

Диссертациянинг “Анжирнинг қуритишбоп навларини инфрақизил нурланишли қуритгичда қуритишнинг усулларини ишлаб чиқиш” деб номланган 4 бобнинг 2 бўлимида анжир меваларини инфрақизил нурланишли қуритгичда қуритиш меваларни сифатли ва экспортбоп маҳсулот сифатида тайёрланишига кафолат берилади.

Инфрақизил нурланишли қуритгичда анжир меваларини қуритишнинг илмий асоси яратилган бўлиб, маълум бир ҳароратда анжир меваларини қуритиш вақти навлар кесимида ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида анжир меваларини инфрақизил нурланишли қуритгичда қуритишнинг технологик талаблари ва шартлари тайёрланди. Ундан ташқари, инфрақизил нурланишли қуритгичда анжир меваларини қуритишнинг технологияси ҳамда технологик

картаси ишлаб чиқилди.

Илмий-тадқиқотда конвектив қуритгич ускунасини ишлаб чиқариш шароитида фойдаланиш ҳисобига сифатли ва юқори баҳоланувчи қуритилган анжир мевалари тайёрланди. Бунда қуритилган анжир меваларининг технологик параметрлари асосланди. Уларни қуритишда қўйиладиган талаблар, қуритишдан аввалга ишлов бериш, бланширлаш ва дудлашнинг аҳамияти кўрсатиб ўтилди.

Анжир меваларига қуритишдан аввал ош тузи, каустик сода билан ишлов бериш юқори сифатли қуритилган маҳсулот олиш гарови бўлиб, меваларни кўшимча тарзда олтингугурт билан дудлаш қуритилган меваларнинг ранги ва сифатини йўқотмаслигининг гарови бўлиб хизмат қилади.

Анжир навларини турли ҳарорат ва қуритиш вақти доирасида инфрақизил нурланишни қуритгичда қуритилган мевалар чиқимининг кўрсаткичи Узбекский желтий нави мевалари 45°C ҳароратда 80 соат давомида инфрақизил нурланишли қуритгичда қуритилганда, 28,7% қуритилган анжир маҳсулоти чиқими бўлган. Шу каби, 50°C ҳароратда 60 соат қуритилганда 23,3% ҳамда 70 соат қуритилганда 21,0% қуритилган маҳсулот чиқими бўлган. Шунингдек, 55°C ҳароратда 50 соатда 28,3% ҳамда 60 соатда 21,9% чиқим бўлиб, 60°C ҳароратда 40 соатда 25,6% ҳамда 50 соатда 23,3% чиқим чиқиши кузатилган.

Анжирнинг Қрим 9 нави меваларида 40°C ҳароратда 80 соатда 29,7%, 45°C ҳароратда 60 соатда 26,5%, ҳамда 70 соатда 22,1% чиқим бўлган. Жумладан, 50°C ҳароратда 50 соатда 25,8% чиқим бўлишига эришилган. Бундан ташқари, Қрим 29 нави меваларида 40°C ҳароратда 80 соатда 30,6%, 45°C ҳароратда 60 соатда 28,8%, ҳамда 70 соатда 22,0% чиқим бўлган. 50°C ҳароратда 50 соатда 29,0% ҳамда 60 соатда 21,6% чиқим бўлган (2-жадвал).

Шунингдек, 55°C ҳароратда 40 соатда 30,3% ҳамда 50 соатда 22,4% чиқим бўлган. Худди шундай 60°C ҳароратда 40 соатда 29,8% чиқим бўлишига эришилган. Қрим 43 нави меваларида 45°C ҳароратда 60 соатда 30,3% ҳамда 70 соатда 22,6%, 50°C ҳароратда 60 соатда 24,6%, 55°C ҳароратда 50 соатда 25,3% чиқим бўлган. Шунингдек 60°C ҳароратда 50 соатда 20,8%. Шу билан бирга, Каршинский чёрний нави меваларида 40°C ҳароратда 80 соатда 25,4%, 45°C ҳароратда 60 соатда 29,1% ҳамда 70 соатда 23,4%, 50°C ҳароратда 60 соатда 24,5% чиқим бўлиб, 55°C ҳароратда 50 соатда 26,3% чиқим бўлган. Шунингдек 60°C ҳароратда 50 соатда 22,5% чиқим бўлган. Далматский нави меваларида 45°C ҳароратда 80 соатда 24,0%, 50°C ҳароратда 60 соатда 27,8% ҳамда 70 соатда 22,7%, 55°C ҳароратда 60 соатда 24,6% чиқим бўлган. 60°C ҳароратда 50 соатда 26,1% чиқим бўлган.

Анжир меваларини инфрақизил нурланишли қуритгичда қуритишнинг схемаси. Анжирни қуритиш жараёни ҳосилни териб олиш, синчиклаб саралаш, тозалаш ва қуритгич ускунасининг техник созлигини текшириш билан бошланади. Тайёрланган мевалар қайноқ сувда ош тузи ва каустик сода ёрдамида бланширланиб, маҳсулот сифатини ошириш мақсадида олтингугурт ангидриди билан махсус камераларда дудланади.

Анжир навларини турли ҳарорат ва қуритиш вақти доирасида инфрақизил нурланишни қуритгичда қуритилган мевалар чиқимининг кўрсаткичи, %

		қуритгичдаги ҳарорат, °С									
		Ўзбекский желтий нави					Қрим 9 нави				
		40	45	50	55	60	40	45	50	55	60
қуритиш вақти, соат	20	82,3	79,1	65,7	58,4	47,0	75,1	72,4	61,1	50,3	43,6
	30	75,2	71,4	57,3	50,1	34,4	68,6	64,2	53,3	36,4	38,3
	40	70,0	63,3	46,7	34,7	25,6	61,3	55,6	43,9	27,2	26,8
	50	58,8	50,6	32,4	28,3	23,3	49,5	38,6	25,8	18,7	17,5
	60	50,1	43,3	23,3	21,9	17,7	42,0	26,5	19,3	14,4	10,2
	70	46,3	38,4	21,0	19,1	11,2	34,9	22,1	12,7	11,2	8,6
	80	39,3	28,7	19,3	15,3	8,5	29,7	17,7	10,0	8,5	5,4
		Қрим 29 нави					Қрим 43 нави				
		40	45	50	55	60	40	45	50	55	60
қуритиш вақти, соат	20	80,2	75,7	68,6	55,9	48,5	74,1	70,1	65,2	55,1	47,0
	30	76,4	68,0	59,8	47,6	36,5	65,6	62,8	57,4	42,9	40,3
	40	61,6	58,5	44,3	30,3	29,8	59,4	53,3	44,9	34,7	35,4
	50	52,0	43,8	29,0	22,4	18,8	52,1	45,3	35,0	25,3	20,8
	60	44,8	28,8	21,6	18,8	14,2	44,1	30,3	24,6	18,0	16,1
	70	38,4	22,0	17,2	15,2	11,1	38,7	22,6	17,9	14,6	12,9
	80	30,6	18,2	14,3	12,1	9,7	33,3	18,4	15,4	11,1	9,1
		Каршинский чёрный нави					Далматский нави				
		40	45	50	55	60	40	45	50	55	60
қуритиш вақти, соат	20	75,4	72,7	65,7	60,3	52,5	84,8	77,3	72,1	68,4	55,6
	30	70,5	67,8	60,1	52,6	46,2	75,3	70,2	67,9	55,1	47,0
	40	64,2	55,3	52,0	40,9	35,1	67,5	63,1	54,4	43,7	35,4
	50	61,0	44,2	39,5	26,3	22,5	59,5	52,9	39,5	34,7	26,1
	60	45,6	29,1	24,5	14,7	13,8	51,2	43,4	27,8	24,6	18,7
	70	34,2	23,4	19,5	11,0	9,7	47,3	37,3	22,7	18,0	14,2
	80	25,4	18,7	14,0	9,1	7,8	35,5	24,0	17,2	15,6	11,3

Асосий босқичда мевалар инфрақизил қуритгичга жойланиб, жараён давомида ҳарорат ва намлик кўрсаткичлари қатъий назорат қилиб борилади. Қуритиш якунлангач, маҳсулот қизиби кетиши ва сифати бузилишининг олдини олиш учун хона шароитида бир неча кун давомида совитилади. Сўнгги босқичда қуритилган анжирлар сифат назоратидан ўтказилиб, узоқ муддат сақлаш ҳамда харидорларга етказиб бериш учун махсус қутиларга эҳтиёткорлик билан қадоқланади.

Диссертациянинг “Анжир меваларини конвектив қуритгичда қуритишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш” деб номланган 4 бобнинг 3 бўлимида конвектив қуритгичда қуритишда анжир меваларининг кимёвий таркибини ўзгариши, қуритилган маҳсулот чиқимини ўзгарувчанлиги, қуритилган анжир меваларининг органолептик кўрсаткичларининг хилма-хиллиги ҳамда шу каби омилларнинг турли-туманлиги билан боғлиқ масалалар атрофлича кўриб чиқилиб, уларнинг илмий асослари шакллантирилди.

Қуйида 3-жадвалдаги ажратиб кўрсатилган рақамлар анжирнинг

куритилган мевалари талаблари ва сифатига тўғри келмайдиган параметрлар бўлиб, уларни тушуриб қолдириш мумкин. Бошқа ҳолатларда, қисқа диагонал чизиқли йўналишда куритилган мевалар параметрларига мос тушган, куритилган маҳсулот чиқими стандарт талабларига мувофиқ келувчи ишлаб чиқариш йўналишларига тўғри келади.

Ушбу жадвал бўйича Узбекский желтий нави мевалари 45°C ҳароратда 80 соатда 29,8%, 50°C ҳароратда 60 соатда 28,4% ва 70 соатда 23,1% ҳамда 80 соатда 20,4% чиқими бўлган. Шу каби, 55°C ҳароратда 40 соатда 30,7%, 50 соатда 26,3%, 60 соатда 22,8%, 70 соатда 20,4% чиқими бўлган. 60°C ҳароратда 40 соатда 26,1% ва 50 соатда 22,4% чиқими бўлган. Анжирнинг Қрим 9 нави меваларида 45°C ҳароратда 50 соатда 30,2%, 60 соатда 26,3%, 70 соатда 24,3%, 80 соатда 21,9% чиқим бўлишига эришилган. 50°C ҳароратда 50 соатда 26,5%, 60 соатда 22,6%, 70 соатда 20,4% чиқим бўлишига эришилган. 55°C ҳароратда 50 соатда 24,7%, 60 соатда 21,2% чиқим бўлишига эришилган. Бундан ташқари, Қрим 29 нави меваларида 40°C ҳароратда 80 соатда 30,2%, 45°C ҳароратда 60 соатда 30,7%, 70 соатда 28,2%, 80 соатда 25,2% чиқим бўлишига эришилган. 50°C ҳароратда 50 соатда 30,5%, 60 соатда 25,4% чиқим бўлган. 55°C ҳароратда 40 соатда 27,2%, 50 соатда 22,9%, 60 соатда 21,4% чиқим бўлишига эришилган. 60°C ҳароратда 30 соатда 30,4%, 40 соатда 21,7% чиқим бўлишига эришилган (3-жадвал).

Анжир меваларини конвектив қуритгичда қуритишнинг технологик схемаси. Жараён дастлаб қуритгичнинг электр тизими ва агрегатларининг техник созлигини текширишдан бошланади. Тайёрланган мевалар сараланиб, ювилгач, қайноқ сувда ош тузи ва каустик сода эритмасида бланширланади ҳамда сифатни сақлаш учун герметик камерада олтингугурт билан дудланади.

Кимёвий ишлов берилган анжирлар конвектив қуритгичга жойлаштирилади. Бунда иссиқ ҳаво оқими ҳар томондан берилгани сабабли, мевалар ағдарилмасдан, белгиланган режимда бир текис қурийдди. Қуритилган маҳсулот намлигини меъёрлаштириш учун хона шароитида совитилади, сўнгра дегустация қилиниб, сифат назоратидан ўтказилади. Якуний босқичда сараланган анжир қоқиси узок муддат сақлаш ва реализация қилиш мақсадида махсус қутиларга ёки замонавий вакуумли пакетларга эҳтиёткорлик билан кадоқланади.

Диссертациянинг “Анжир меваларини қуритиш усулларининг иқтисодий самарадорлиги таҳлили” деб номланган 4 бобнинг 4 бўлимида анжир меваларини қуритишнинг иқтисодий самарадорлиги ҳисоблаб чиқилди. Бунда тўрттала усулда қуритишнинг аҳамияти ўрганилган бўлиб, барча ўрганилган олтига навнинг реакцияси эътиборга олинди. Ушбу қуритиш усуллари орасида юқори рентабелликни сунъий қуритиш усулларида, яъни инфрақизил нурланишли ва конвектив қуритгичларда қуритилган анжир мевалари олди. Навлар орасида таннархнинг хилма-хиллиги, қуритиш усулида электр токени ишлатилиши, қўшимча ишчи кучини жалб қилиниши, хомашёнинг нархи ва ҳаказо омилларни инобатга олишга тўғри келди. Бунинг натижасида, қуритилган анжир маҳсулотларининг реал бозор нархи белгилаб берилди.

Анжир навларини турли ҳарорат ва қуритиш вақти доирасида конвектив қуритгичда қуритилган мевалар чиқимининг кўрсаткичи, %

		қуритгичдаги ҳарорат, °С									
		Ўзбекский желтий нави					Қрим 9 нави				
		40	45	50	55	60	40	45	50	55	60
қуритиш вақти, соат	20	75,7	73,1	68,2	62,2	57,1	77,9	71,6	68,4	63,4	55,9
	30	68,4	65,5	61,9	55,4	42,1	65,4	62,8	55,7	56,7	41,3
	40	61,5	57,4	52,4	30,7	26,1	53,7	44,3	43,9	40,5	28,4
	50	54,7	51,8	41,3	26,3	22,4	47,5	30,2	26,5	24,7	20,1
	60	48,7	45,1	28,4	22,8	18,7	42,3	27,0	22,6	21,2	18,6
	70	42,4	37,2	23,1	20,4	15,4	38,5	24,3	20,4	17,5	15,2
	80	33,7	29,8	20,4	17,5	13,7	32,1	21,9	17,3	13,8	11,6
		Қрим 29 нави					Қрим 43 нави				
		40	45	50	55	60	40	45	50	55	60
қуритиш вақти, соат	20	72,1	64,5	52,6	47,6	38,2	68,7	62,4	57,3	53,7	44,1
	30	67,2	52,7	44,8	36,8	30,4	63,2	54,6	51,4	42,3	32,8
	40	59,7	48,6	35,2	27,2	21,7	55,8	42,8	39,7	30,6	27,2
	50	51,9	37,2	30,5	22,9	17,4	43,0	35,1	30,4	25,5	23,6
	60	43,2	30,7	25,4	21,4	15,6	39,1	32,5	27,3	23,7	20,9
	70	37,8	28,2	17,9	15,8	11,0	34,9	30,6	18,0	15,4	13,9
	80	30,2	25,2	14,7	12,1	8,7	32,3	27,4	14,5	11,9	10,3
		Каршинский чёрний нави					Далматский нави				
		40	45	50	55	60	40	45	50	55	60
қуритиш вақти, соат	20	75,7	71,2	65,2	57,6	50,8	74,1	67,3	62,1	58,5	47,2
	30	68,3	62,2	56,5	48,9	42,8	67,6	60,5	58,3	41,4	35,5
	40	56,1	54,5	41,7	37,1	30,2	58,4	52,9	45,5	38,0	30,1
	50	47,4	41,7	29,0	31,4	25,3	50,6	44,2	38,7	29,7	25,7
	60	35,6	32,9	25,2	22,6	19,5	42,5	33,8	27,0	24,5	21,4
	70	33,0	30,4	22,9	17,0	14,4	37,4	30,4	24,3	21,9	15,3
	80	27,2	22,5	18,4	12,2	10,9	29,7	27,3	19,8	17,2	12,1

ХУЛОСА

Анжир навларининг агробиологик, технологик хусусиятларини баҳолаш ва қуритиш технологиясини ишлаб чиқишга қаратилган илмий-тадқиқотлар натижасига мувофиқ, қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Анжирни республикамизнинг Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида ўрганиш, барча асосий фенологик фазаларнинг ўтишига бевосита таъсир ўтказиб, 9-12 кунгача фарқланди. Вегетацияни бошланишида энг эрта куртакларни ёзилиши мос равишда 3/апр ва 13/апр Ўзбекский желтий навида кузатилди. Меваларни пишиши бўйича биринчи бўлиб ҳосил берган Қрим 9 нави – 29/июль ва 10/авг, кечпишар нави эса Қрим 43 – 8/авг ва 20/авг. Анжир навларини энг юқори ҳосилдорлик билан Каршинский черний 58,9 кг/туп ва 53,4 кг/туп, Ўзбекский желтий 37,75 кг/туп ва 33,4 кг/туп навлари ажралиб чиқди.

2. Анжирнинг қуритишга мойил навларининг механик хусусиятлари ўрганилганда, Далматский нави мевалар бўйи бўйича юқори кўрсаткич – 50,6 мм, Ўзбекский желтий нави мевалар эни бўйича 49,6 мм, Далматский нави мевалар ўртача вазни бўйича 34,2 мм намоён қилди. Анжир меваларининг кимёвий таркибини ўрганишда, мевалардаги қуруқ модданинг юқорилиги 16,63-23,68

фоиз оралигида бўлиб, умумий қанд миқдори ўртача 22,69%, умумий кислоталик миқдори ўртача – 0,17%ни ташкил қилган.

3. Анжир меваларини қуритишдан аввалга ишлов бериш тизими муҳим омил бўлиб, тажрибаларда ош тузи, каустик сода билан бланширлаш ҳамда олтингугурт ангидридида дудлаш яхши натижа берган.

4. Очиқ майдонда анжир меваларини қуритишда қуритилган маҳсулот чиқими ўртача 25,4% бўлиб, энг юқори чиқим – Далматский навида (27,9%) кузатилган. Усти ёпиқ иншоот остида анжир меваларини қуритишда қуритилган маҳсулот чиқими ўртача 26,0% бўлиб, энг юқори чиқим – Далматский навида (28,5%) бўлган.

5. Очиқ майдонда қуритилган анжир меваларининг ўлчамлари: мева бўйи – 13,9-25,8 мм, мева эни – 18,2-28,5 мм ҳамда мева вазни – 4,1-9,5 г фарқланган. Усти ёпиқ иншоот остида меваларни қуритишда мева ўлчамлари бўйича қуйидагича бўлган: мева бўйи – 14,5-27,5 мм, мева эни – 20,4-29,6 мм ҳамда мева вазни – 4,8-10,4 г бўлган.

6. Қуритилган анжир меваларининг кимёвий таркиби бўйича, очиқ майдонда ва усти ёпиқ иншоот остида қуритилганда, мос равишда, қуруқ модда миқдори ўртача 77,10% ва 77,61%, умумий қанд миқдори ўртача 67,95% ва 67,17%, умумий кислоталик ўртача 0,95% ва 0,92%ни ташкил қилган.

7. Анжир меваларини инфрақизил нурланишли қуритгичда қуритилганда, маҳсулот чиқими ўртача 27,1% ташкил қилиб, мева бўйи – 30,0 мм ва мева вазни – 8,7 г билан ажралиб, қуритилган меваларнинг кимёвий таркиби бўйича қуруқ модда миқдори ўртача 77,37%, умумий қанд – 68,34%, умумий кислоталик – 0,83% бўлган.

8. Меваларни конвектив қуритгичда қуритишда маҳсулот чиқими ўртача 28,0% ташкил қилиб, меваларнинг механик кўрсаткичлари мева бўйи – 31,4 мм ва мева вазни – 10,7 г, қуритилган меваларнинг кимёвий таркиби бўйича қуруқ модда миқдори ўртача 78,06%, умумий қанд – 68,88%, умумий кислоталик – 0,69% бўлган.

9. Анжир меваларини қуритишнинг иқтисодий самарадорлиги юқори бўлиб, очиқ майдонда қуритилганда рентабеллик 11,4-27,2%, усти ёпиқ иншоот остида қуритилганда – 22,5-38,9%, инфрақизил нурланишли қуритгичда – 33,1-52,6% ва конвектив қуритгичда – 35,7-57,4% намоён қилган.

Ишлаб чиқаришга тавсиялар:

- қуритишга мўлжалланган Узбекский желтий, Далматский ва Каршинский черний навларини экиш;

- фермер ва деҳқон хўжаликларида анжирни усти ёпиқ иншоот остида қуритиш усулини жорий қилиш, агрокластер ва аралаш типдаги фермер хўжаликларида конвектив усулда қуритиш учун тавсия этилади;

- анжир меваларини усти ёпиқ иншоот остига жойлаш ва қуритгичга қўйишдан аввал ош тузи, каустик сода ва олтингугурт билан дудлаш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ САДОВОДСТВА,
ВИНОГРАДАРСТВА И ВИНОДЕЛИЯ ИМЕНИ АКАДЕМИКА
М.МИРЗАЕВА**

ГАНИЕВ ШАХЗОД АБДУЛЛА УГЛИ

**ОЦЕНКА АГРОБИОЛОГИЧЕСКИХ, ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ СВОЙСТВ
СОРТОВ ИНЖИРА (*Ficus carica* L.) И РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ
СУШКИ**

06.01.11 –Хранение и переработка сельскохозяйственной продукции

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан за номером B2024.4.PhD/Qx1558.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте садоводства, виноградарства и виноделия имени академика Махмуда Мирзаева.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Одинаев Мирзамад Исаевич, доктор философии по сельскохозяйственным наукам (PhD), доцент
Официальные оппоненты:	Искандаров Зафар Самандарович, доктор технических наук, профессор Умидов Шавкат Эргашевич, доктор философии по сельскохозяйственным наукам, доцент
Ведущая организация:	Самаркандский институт агроинноваций и исследований

Защита диссертации состоится 6 января 2026 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, зал заседаний).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером №555454). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан 25 декабря 2025 года.

(реестр протокола рассылки №58 от 28 ноября 2025 года).




Ш.И. Асатов
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор


М.З. Холмуротов
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.ф.с.х.н. (PhD), доцент


С.А. Юнусов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Среди субтропических фруктов инжир выделяется высокой пищевой ценностью, а кроме того, является продуктом, который используют для приготовления вкусных и лечебных сухофруктов. «Во всем мире инжир выращивается на общей площади 296,7 тыс. га, а общий урожай составляет 1,24 млн тонн»¹. В мире насчитывается 52 страны-производителя инжира, из которых «лидерами являются Турция (350,0 тыс. тонн), Египет (187,9 тыс. тонн), Алжир (112,3 тыс. тонн), Марокко (109,6 тыс. тонн) и Иран (67,9 тыс. тонн). По объёму производства сушеной инжирной продукции в 2022/2023 году было произведено 134 тыс. тонн, при этом Турция (73 тыс. тонн), Иран (20 тыс. тонн) и другие страны являются её производителями»². В связи с ограниченностью продаж свежесобранного инжира и невозможностью хранить свежий инжир в течение длительного времени, разработка технологий сушки является актуальной.

Инжир является одним из продуктов с высокой добавленной стоимостью в мире. Поэтому в развитых странах были проведены исследования по заготовке его сухофруктов и хранению их без потери качества до созревания урожая инжира следующего года. В частности, передовые технологии сушки инжира разработаны в таких странах, как Турция, Египет, Алжир, Иран, Пакистан и Саудовская Аравия. Исследования показывают, что искусственно подсушенные инжир высоко ценится и полностью соответствует международным требованиям безопасности пищевых продуктов. В связи с этим разработка новых технологий подготовки инжира к сушке, сушки плодов различными способами и получения качественной продукции имеет большое значение.

В нашей республике проводятся исследования по разработке технологий выращивания сортов инжира и созданию новых сортов, и достигнуты определенные результаты. Исследования по разработке технологий сушки с целью повышения экспортного потенциала этих сортов недостаточны. В «Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» Республики Узбекистан поставлена цель «довести к 2026 году объем производства продовольственной продукции до 7,4 млн тонн, а уровень переработки фруктов и овощей – до 28 процентов». Для достижения этой цели, в связи с возрастающим спросом на сухофруктовую продукцию, особенно инжир, актуальной является разработка технологий сушки плодов сортов, склонных к высыханию, в основных инжирных плантациях нашей республики.

